

жет ташкилотларида ҳам түлиқ фойдаланилмоқда.

Бюджет ташкилотларида «УзАСБО» дастурини қўллашнинг қўйидаги афзаликларини айтиб ўтиш мумкин:

- бюджет ташкилотлари бухгалтерларининг вақтлари тежалади ва иш самараси ошади;

- Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилаётган бухгалтерия ҳисоботлари ва методик кўрсатмалар ҳамда 2169-рақамли йўриқномага киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар дастурда намоён булади;

- дастур Web-технологияга асосланган бўлиб, ахборотлар базаси марказлашган ҳолда сақланади;

- дастурдан фойдаланиш интернет тармоғи орқали амалга оширилади;

- «УзАСБО» дастури ғазначилик дастури билан маълумотлар алмашиб имкониятига эга;

- барча фойдаланувчилар дастурнинг охирги версиясидан фойдаланадилар;

- маълумотлар базаси маҳсус серверларда сақланниб, ҳар кунлик маълумотлар архивация қилиб турилади;

- фойдаланувчининг компьютери носоз ҳолатга келганида маълумотлар йўқолмайди ва фойдаланувчи бошқа компьютердан дастурда ишлашни давом эттириш имкониятига эга;

- дастур интернет браузери орқали юкланиб, фойдаланувчи компьютеридан ортиқча жой эгалламайди;

- дастурга кириб ишлаш учун керакли режим танланиб, унинг ичига кирилади ва керакли операциялар бажарилади. Дастурда моддий захиралар ҳисобини юритиш учун унинг асосий менюсидаги Хужжатлар (документы) режимига кириб, ундаги моддий захиралар ҳисоби режимига кириш ва керакли операцияларни танлаш ҳамда реквизитларни кирита бошлаш керак.

«УзАСБО» дастурида самарали ишлаш учун юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал этиш, яъни бюджет ташкилотлари бухгалтерларининг мунтазам малакасини ошириб бориш, шунингдек, бюджет ташкилотлари электр энергия таъминотининг узилиш сабабларини таҳлил қилиш ва уни бартараф этиш орқали унинг доимий равишда таъминланиши ва интернет ишлаш тезлигининг кучайтирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди[13].

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида”ги фармони. 24.03.2022 .
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилган 2169- сонли бўйруғи билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома». //http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?act_id=1714689.
3. Остонакулов М. Бюджет ташкилотларида янги бухгалтерия ҳисоби. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.
4. Мехмонов С.У. Давлат бюджети газна ижроси шароитида бухгалтерия ҳисобини тақомиллаштириш масалалари. / «Давлат молиясини ислоҳ қилишининг долзарб муаммолари» Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2009 йил 2 декабрь. 241–243-б.
5. Хайдарова Н.А. Бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисобини тақомиллаштириш. Монография. – Т., 2021.
6. газета.uz. https://www.gazeta.uz/uz/2022/05/20/wages/
7. https://www.norma.uz.
8. <https://www.norma.uz/04.04.2022> йил
9. С.У.Мехмонов “Бюджет ҳисоби” ўқув қўлланма 248 бет, 260 б.
10. М.Остонакулов “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” 2011 йил
11. газета.из. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/05/20/wages/>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан тақомиллаштириши ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида
13. //Иқтисод ва молия / Экономика и финансы, 2016, 1-сон.



doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a16

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ДАВРИДА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Кадиров Сахобиддин Шарофович -
Тошкент давлат аграр университети
докторанти

Аннотация. Мазкур мақолада бухгалтерия ҳисобининг янги объектларидан бирни номоддий активлар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида ташкил этиш, уларни тан олиш ва баҳолаш услубиёти бўйича фикрлар билдириб ўтилган. Номоддий активлар ҳисобини тақомиллаштиришга оид илмий ва амалий тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: номоддий активлар, баҳолаш, тан олиш, патент, лицензия, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

ОРГАНИЗАЦИЯ УЧЕТА НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ ПРИ ПЕРЕХОДЕ К ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

Кадиров Сахобиддин Шарофович

Докторант Ташкентский государственный
аграрный университет

Аннотация. В данной статье выражены мнения по методике организации, согласии и оценки учета нематериальных активов одной из новых объектов бухгалтерского учета на основе требований международных стандартов финансового отчета. Предлагаются научные и практические рекомендации по совершенствованию учета нематериальных активов.

Ключевые слова: нематериальные активы, оценка, признание, патент, лицензия, бухгалтерский учет, финансовый отчет, международные стандарты отчета.

ORGANIZING THE ACCOUNT OF INTANGIBLE ASSETS DURING THE TRANSITION TO THE DIGITAL ECONOMY

Kadirov Sakhobiddin Sharofovich

Is a doctoral student of Tashkent state agrarian university

Annotation. In this article, one of the new objects of accounting, accounting of intangible assets, is expressed on the basis of the international standard requirements of financial reporting, their recognition and evaluation methodology. Also, scientific and practical recommendations on improving the accounting of intangible assets are given.

Key words: intangible assets, valuation, recognition, patent, license, accounting, financial reporting, international standards of financial reporting.

Кириш. Жаҳон статистикаси маълумотларига кўра, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар компанияларнинг умумий активлари 120,0 трлн. АҚШ долларидан ортди, бунинг 63,6 трлн. доллари (53,0 фоиз) моддий кўринишдаги, яъни асосий воситалар, ТМЗ ва пул маблағлари ҳиссасига тўғри келади. Активларнинг қолган 56,4 трлн. АҚШ доллари (47,0 фоиз) номоддий активлар, яъни патент, ноу-хау, дастурий маҳсулотлар, товар белгилари кабиларнинг ҳиссасига тўғри келади [1]. Авваллари номоддий активлар таркибида маълум бўлмаган (ошкор этилмаган) активлар тадбиркорлик субъектларининг умумий бизнес қийматининг катта қисмини ташкил этган бўлса-да, лекин улар балансда ҳисобга олинмайди. Мазкур кўрсаткичлар бўйича энг юқори даражага эга бўлган давлатлар қаторига Дания (61,0 фоиз), Швейцария (42,0 фоиз) ва Бельгияни (41,0 фоиз) киритиш мумкин [2]. Шунингдек, интеллектуал мулк обьектлари таркибига кирувчи товар белгиларининг асосий улуси ҳам ривожланган мамлакатларга тўғри келади. Демак, сўнгги ўн ийлик ва келгуси йилларда номоддий активларга нисбатан талабларнинг юқори бўлишини кузатиш мумкин. Шу ўринда савол туғилади: “Номоддий актив ўзиним ва у қандай аҳамиятга эга?”

Демак, рақамли иқтисодиёт шароитида номоддий активлар ҳисобини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш бугунги кунда долзарб масалалардан бирига айланган.

Адабиётлар таҳлили. Иқтисодчи олимлар ва турли меъёрий хужжатларда номоддий

активларга берилган таърифлар ва назарий қарашларга тўхталиб ўтамиз. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти “Номоддий активлар” номли 38-сонли МҲҲСда актив сифатида тан олиниши қуйидагича ифодаланган: “Актив шундай ресурски, у олдинги ҳодисалар натижасида ташкилот томонидан назорат қилинади, ташкилот ундан келгуси иқтисодий наф олишни кутади [3].

Мазкур стандартда номоддий активларга қуйидагича таъриф берилган: “Номоддий актив – моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган идентификацияланадиган номонетар актив. Бу ерда номонетар активлар дейилганда, мавжуд пул маблағлари ва қатъий ёки аниқланадиган пул маблағлари миқдорида олинадиган активлар тушунилади.

Маълумки, тадбиркорлик субъектлари илмий ёки техник билим, янги жараёнлар ёки тизимларни лойиҳалаш ва жорий этиш, лицензиялар, интеллектуал мулк, бозор тўғрисидаги билимлар ва савдо маркалари (жумладан, фирма номлари ва чоп этиш хуқуқлари) каби номоддий ресурсларни харид қилиш, ишлаб чиқиш, сақлаб туриш ёки такомиллаштириш ресурсларни сарфлашади ёки мажбуриятлар олади. Ушбу умумий тоифаларга кирадиган моддаларнинг кенг тарқалган мисолларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- компьютер дастурий таъминоти;
- патентлар;
- муаллифлик хуқуқи;
- кинофильмлар;
- харидорлар рўйхати;

ипотекага хизмат кўрсатиш хукуқи;
балиқ овлашга лицензия;
импорт квоталари;
франшиза;
харидорлар ёки етказиб берувчилар билан муносабатлар;
харидорлар лояллиги;
бозор улуши ва сотиш хукуқлари.

Шунингдек, фикримизча, юқорида келтирилган моддаларнинг ҳаммаси ҳам номоддий активнинг таърифида, яъни идентификацияланиш, ресурсни назорат қилиш ва келгуси иқтисодий нафларнинг мавжудлиги мезонларига жавоб бермайди. Натижада номоддий активлар таърифига тўғри келмайдиган моддаларни уларни сотиб олиш вақтида ёки ўз кучи билан яратиш учун қилинган сарфлар, улар юзага келган пайтда харажат сифатида тан олинади.

Амалдаги бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида эса номоддий активларга қуйидаги таъриф берилган: номоддий активлар – корхона томонидан узоқ муддат мобайнида ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун ушлаб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган идентификацияланадиган мол-мулк обьектлари [4].

Хорижий иқтисодчи олимларнинг фикрларига кўра, номоддий активлар корхонанинг моддий шаклга эга бўлмаган ва бир йилдан ортиқ иқтисодий фойда келтириши кутилаётган ресурслардир. Уларни сотиб олиш, мустақил равишда яратиш, белуп олиш ёки бошқа активларга алмаштириш мумкин [5].

Стандартда индентификацияланадиган бўлишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бунда номоддий активнинг таърифи номоддий активнинг гудвилдан фарқланиши учун унинг идентификацияланадиган бўлишини талаб этиди. Бизнес бирлашуви натижасида тан олинган гудвилл бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган бошқа активлардан олинадиган келгуси иқтисодий нафларни ифода этадиган, индивидуал тарзда индентификацияланмайдиган ва алоҳида тан олинмайдиган активдир. Келгуси иқтисодий нафлар харид қилинган индентификацияланадиган активларнинг ўзаро бирлашувидан ёки алоҳида олганда молиявий ҳисоботда тан олиш мезонларига жавоб бермайдиган активлардан юзага келиши мумкин.

Демак, номоддий активларга таъриф берилганда, уни гудвилдан ажратиб олиш учун эса у индентификацияланадиган бўлиши талаб этилади. Бунда бизнес бирлашуви натижасида тан олинган гудвилл бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган бошқа активлардан олинадиган келгуси иқтисодий нафларни ифода этадиган, индивидуал тарзда индентификациялан-

майдиган ва алоҳида тан олинмайдиган активлар сифатида қаралади.

Номоддий активлар таърифида келгуси иқтисодий нафлар сифатида харид қилинган идентификацияланадиган активларнинг ўзаро бирлашувидан ёки алоҳида олганда, молиявий ҳисоботда тан олиш мезонларига жавоб бермайдиган активлардан юзага келиши мумкинлиги келтириб ўтилади.

Номоддий активлар қуйидаги ҳолатларда идентификацияланадиган актив сифатида намоён бўлади:

биринчидан, бошқа активлардан алоҳида ажраладиган бўлса, яъни уни тадбиркорлик субъектидан ажратиш ёки бўлиш ва индивидуал тарзда ёки тегишли шартнома, идентификацияланадиган актив ёки мажбурият билан бирга сотиш, ўтказиш, лицензиялаш, ижарага бериш ёки айирбошлаш имкониятига эга бўлиши;

иккинчидан, шартномавий ёки бошқа юридик хукуқлар натижасида, бундай хукуқлар ўтказиладиган ташкилотдан ёки бошқа хукуқлар ва мажбуриятлардан ажраладиган бўлишидан қатъи назар келиб чиқадиган бўлса.

Номоддий активларни тан олишдаги яна бир муҳим жиҳати уни назорат қила олишилигидир. Демак, номоддий активлар агар тадбиркорлик субъекти актив асосидаги ресурсдан келадиган келгуси иқтисодий нафларни олишга ва ушбу нафлардан бошқаларнинг олиш имкониятини чеклашга қодир бўлса, ташкилот активини назорат қиласи. Тадбиркорлик субъектининг номоддий активдан келадиган келгуси иқтисодий нафларни назорат қилиш қобилияти, одатда, суд тартибида амалга оширилиши мумкин бўлган юридик хукуқлардан келиб чиқади. Юридик хукуқлар мавжуд бўлмагандан, назоратнинг мавжудлигини кўрсатиб бериш янада мураккаблашади. Бироқ хукуқнинг юридик химояланганлиги назоратнинг мажбурий шарти ҳисобланмайди, чунки ташкилот бошқа усуллар билан ҳам келгуси иқтисодий нафларни назорат қилиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Номоддий активлар таърифига нафақат хорижий олимлар, балки республикамиздаги қатор иқтисодчи олимлар ҳам ўз ёндашувлари ва фикрларини бериб ўтганлар. Жумладан, иқтисодчи олим Р.Дусмуратов томонидан номоддий активлар сифатида уларни ҳисобга олиш ва аудит ўтказиш услубиёти шакллантирилган [6].

И.Очиловнинг фикрига кўра, “Интеллектуал мулклар номоддий активларнинг таркиби бўлиб, хўжалик фаолиятида узоқ вақт мобайнида фойдаланиш учун мўлжалланган моддий хусусиятга эга бўлмаган мол-мулк обьектларидир”[7].

А.Сотиволдиев эса номоддий активларни ушлаб бўлмайдиган ва сезиб бўлмайдиган корхонанинг активлари сифатида таърифлайди [8].

Р.Рахимбекованинг фикрига кўра, номоддий активлар жисмоний кўринишга эга бўлмаган ва келгусида даромад келтирувчи активлардир [9]. Б.Исроилов номоддий активларни молмулк солиги объектларини туркумлашда кўчар мулк таркибида киритади. Унинг фикрига кўра, бозор муносабатлари шароитида инсоннинг интеллектуал меҳнати натижаси, яъни номоддий неъматлар ҳам мулк сифатида тан олинади [10]. Ш.Илхамов номоддий активлар қийматини энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан ва хизмат даври бир йилдан кўп бўлган патент, лицензия, ноу-хау, савдо маркалари, товар белгилари,

саноат намуналари, дастурий таъминот, ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш хукуқи, ташкилий харажатлар, франчайз, муаллифлик хукуқлари ва бошқа активлар киритилиши лозимлигини кўрсатиб беради [11].

Ф.Фуломова қуйидаги тушунчани таъкидлаб ўтади: "Номоддий активларга табиий-моддий кўринишга эга бўлмаган ва қўшимча даромад келтириш имкониятини яратувчи объектлар киради" [12]. И.Исманов томонидан олиб борилган тадқиқотда номоддий активлар объектларини тан олиш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг айrim хусусиятлари ва халқаро стандартларга трансформация қилиш масалалири кўриб чиқилган [13].



1-расм. Номоддий активлар бўйича тадқиқотларни олиб борган маҳаллий олимлар
Манба: муаллиф ишланмаси.

М.Пўлатов томонидан олиб борилган тадқиқотларда айнан номоддий актив эмас, балки уларни интеллектуал капитал таркиби сифатида ўрганади [14]. И.Давлетов агарар соҳада номоддий активларни интеллектуал мулк объектлари сифатида тадқиқ этган ва уларни ҳисобга олиш ҳамда аудити масалаларини ёритган [15]. М.Пардаевнинг илмий асарлари ва яратилган дарслкларида номоддий активлар таҳлилининг моделлари ва кўрсаткичлар тизими шакллантирилган [16]. Н.К.Ризаев эса автомобилсозлик соҳасидаги номоддий активлар ҳисоби ва таҳлилини ўрганган, шунингдек, докторлик диссертациясида эса номоддий активларнинг таркибида кирувчи интеллектуал мулк объектлар ҳисоби ва таҳлили методологиясини тадқиқ этган [17].

А.Худойкулов эса номоддий активлар ҳисобини МҲҲС асосида трансформациялаш жараёнини ташкил этиш ҳамда МҲҲСга ўтишининг молиявий самарадорлик масаласини ўрганган. Унинг фикрича, номоддий активлар деб, ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки сотиш жараёнида узоқ муддат (1 йилдан ортиқ

муддат) фойдаланилиб, ўз қийматини астасекинлик билан маҳсулот, иш ва хизматлар таннархи ёки давр харажатларига ўтказиб борадиган, моддий кўринишга эга бўлмаган мол-мулк объектларига айтилади [18].

Тадқиқот медологияси. Мазкур тадқиқот давомида номоддий активларни тан олиш ва баҳолаш ҳамда уларни ҳисобини ташкил этиш услубиёти асосида уларнинг ортишини бошланғич, амортизация ва қолдиқ қийматларига нисбатан таъсирини баҳолаш усувларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижа. Республикаизда инновацион ғояларга асосланган техника ва технологияларни ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратилган бўлиб, ҳар бир тадбиркорлик субъектидан бунданда янада фаолроқ бўлишга ундейди. Бугунги кунда иқтисодиёт тармоқлари бўйича олинганда, хўжалик субъектлари умумий активларига (маблағлари) нисбатан номоддий активларнинг улуши деярли 2-4 фоиздан ортмайди, бу жами активларга нисбатан жуда ҳам оз миқдорни ташкил этмоқда [19].

Кўйида танлаб олинган турли соҳаларда ги корхоналарда мавжуд номоддий активлар

ҳолати ўрганилганда, катта тафовутларни кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Акциядорлик жамиятларидаги номоддий активлар ҳақида маълумот [20]

Т/р	Акциядорлик жамиятлари номи	Номоддий активлар, минг сўм	Жами активларга нисбатан, %
1.	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти	2341536634	15,0
2.	«Худудгаузатъминот» акциядорлик жамияти	43673167	0,52
3.	Ўзбек геология-қидибув акциядорлик жамияти	490233481	3,9
4.	“Uz-Dong Won Ko” акциядорлик жамияти қўшма корхонаси	650745	0,92
5.	«Андижонёғмой» акциядорлик жамияти	556007	0,55
6.	«Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти	68203	0,01
7.	«Ўзагросервис» акциядорлик жамияти	144173	0,02
8.	«Uz Auto Motors» акциядорлик жамияти	125548548	0,42
9.	“Қарши Марказий Буюм савдо комплекси” акциядорлик жамияти	2633545	25,6
10.	“Деҳқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти	242376129	4,0

Таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, акциядорлик жамиятлари ва корхоналарда номоддий активлар ҳолати деярли бир-бирига яқин. Тўғри, бу ерда айрим корхоналар, масалан, «Ўзавтосаноат»да жами активларга нисбатан номоддий активларнинг салмоғи сезиларли даражада бўлган. Ушбу жамиятда жами активларга нисбатан номоддий активлар 15,0 фоизни ташкил этган, шунингдек, “Қарши Марказий Буюм савдо комплекси” АЖда энг юқори 25,6 фоизни ташкил этади. Бу ҳолат нафақат таҳлил қилинаётган даврдаги корхоналар бўйича, балки республикамизда ҳам мутлақ юқори даражада, деб эътироф этиш мумкин. Масаланинг яна муҳим жиҳати шундаки, активларга нисбатан номоддий активларнинг ўта юқори салмоқни эгаллаши ҳам корхона фаолиятига салбий таъсир этиши мумкин. Чунки номоддий активлар ўз хизмат муддати (ўртача йилига 20 фоиздан)ни ўтаб бўлиши натижасида тўлиқ харажатларга чиқарилади.

Натижада таҳлил қилинаётган “Қарши Марказий Буюм савдо комплекси” АЖдаги жами активлар миқдорининг 3-5 йил ичida деярли 25,0 фоиз камайиб кетишига олиб келади. Бунинг учун корхона номоддий активлар миқдорини доимий равишда ушлаб турish учун товар белгиси ёки дастурий маҳсулотлар ёхуд патент каби интеллектуал мулк обьектлари билан янгилаш бориши талаб этилади. Айрим ҳолатларда қайта баҳолаш натижасида ҳам номоддий активлар қийматини ошириб олиш имконияти бор, деган фикрлар бўлиши мумкин, бунда қайта баҳолаш модели бўйича қўлланган усул ҳамма вақт ҳам натижада беравермайди. Яъни бунда қайта баҳолаш фақатгина ушбу номоддий активлардан фойдали хизмат муддати амал қилиши имкониятини беради. Ҳар доим ҳам буни амалга ошириб бўлмайди, яъни уларга ҳисобланниши керак бўлган амортизациянинг танланган усули ўз таъсирини кўрсатади.

Юқоридаги акциядорлик жамиятларида мавжуд номоддий активларнинг салмоғи ўртача олганда 5,0 фоизни ташкил этмоқда.

Умумий олганда, республикамиз иқтисодиёти корхоналарида номоддий активларнинг салмоғи деярли кам бўлиб, бу эса тадбиркорлик субъектларида келгусида мазкур активларни ошириш имкониятини берувчи чора-тадбирларни кўришни талаб этади.

Демак, юқорида номоддий активлар ҳақида билдирилган таъриф ва турли ёндашувлар асосида қўйидаги муаллифлик таърифи берилди: “Номоддий активлар моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, назорат қилинадиган, идентификация қилинадиган ҳамда иқтисодий нафолиниши кутиладиган активлардир”.

Номоддий активларни таснифлаш ва уни актив сифатида тан олишнинг ҳуқуқий асослари сифатида қўйидаги икки даражадаги меъёрий хужжатларни келтириш мумкин:

бираинчидан, халқаро даражадаги бухгалтерия ҳисоби хужжатлари – “Номоддий активлар” 38-сонли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (ИАС 38);

иккинчидан, миллий даражадаги бухгалтерия ҳисоби хужжатлар – Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни, “Номоддий активлар” 7-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС), Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МХМС).

Номоддий активларнинг тан олиниши халқаро стандартда батафсил очиб берилади, яъни тан олиниши мезонлари қўйидагилардан иборат:

тадбиркорлик субъекти ушбу актив билан боғлиқ кутилаётган келгуси иқтисодий нафни олиш эҳтимоли мавжудлиги;

ушбу активнинг бошланғич қиймати ишончли баҳоланиши мумкинлиги.

Юқорида биз номоддий активлар ўзи нима ва унга берилган таъриф ҳамда турли ён-

дашувларни кўриб чиқдик. Ушбу таърифларда “номоддий активлар маддий кўринишга эга бўлган” деган тушунчалар кўпроқ берилган, аммо баъзи бир номоддий активлар маддий кўринишда ёки манбаларда сақланиши мумкин, масалан:

компакт дискда (компьютер дастурий таъминоти мисолида);

юридик хужжатларда (лицензия ёки патент мисолида) ёки фильм тасмасида.

Кўриниб турибдики, ушбу обьектлар асосий восита ёки товар-маддий захирами ёхуд ўрганилаётган тадқиқот обьекти номоддий актив сифатида тан олиниши учун ушбу активларнинг қайси бири кўпроқ аҳамиятли эканини баҳолаш керак бўлади. Бизнинг фикримизча, агар 1С: дастурий таъминоти тегишли компьютернинг ажралмас қисми бўлмаса, у ҳолда мазкур дастурний таъминот номоддий актив сифатида ҳисобга олинади.

Модданинг номоддий актив сифатида тан олиниши учун номоддий актив таърифига ва тан олиш мезонларига жавоб бериши лозим.

Номоддий активларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ташкилот томонидан назорат қилинади;
- ташкилот ундан келгуси иқтисодий нафолишини кутади;
- маддий-ашёвий мазмунга эга бўлмайди;
- идентификацияланадиган номонетар актив ҳисобланади.

Агар ташкилот актив асосидаги ресурсдан келадиган келгуси иқтисодий нафларни олишга ва ушбу нафлардан бошқаларнинг олиш имкониятини чеклашга қодир бўлса, ташкилот активни назорат қиласи. Ташкилотларнинг номоддий активдан келадиган келгуси иқтисодий нафларни назорат қилиш қобилияти, одатда, юридик хукуқлардан келиб чиқади. Юридик хукуқлар мавжуд бўлмагандан, назоратнинг мавжудлигини кўрсатиб бериш янада мураккаблашади.

Бироқ хукуқнинг юридик ҳимояланганлиги назоратнинг мажбурий шарти ҳисобланмайди, чунки ташкилот бошқа усуllар билан ҳам келгуси иқтисодий нафларни назорат қилиши имкониятига эга бўлиши мумкин (2-расм).

<p>Ихтиро, саноат намуналари ва фойдали моделиларга бўлган мутлақ хукуки;</p> <p>ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига бўлган мутлақ хукуки;</p>	<p>интеграл микросхемаларнинг топологияларига бўлган мутлақ хукуки;</p> <p>товар белгиси ва хизмат кўрсатиши белгисига бўлган мутлақ хукуки;</p>
<p>селекция ютуқларига бўлган мутлақ хукуки;</p> <p>табиий ресурслардан фойдаланиш хукуки;</p>	<p>еर участкасидан фойдаланиш хукуки;</p> <p>гудвилл</p>

2-расм. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида белгиланган номоддий активларнинг таркиби

Манба: номоддий активларни таснифлаш ва тан олишига oid меъёрий хужжатлар асосида муаллиф ишланмаси.

Республикамизда номоддий активларнинг таркиби умумий фойдаланишдаги бўлган хукуқларни ўз ичига олади. Демоқчимизки, оддийгина бир интеллектуал натижасини номоддий актив сифатида таснифлаш ва уни тан олишни юқоридаги таркибланиш тўлиқ очиб бермайди. Масалан, селекция ютуқларига бўлган мутлақ хукуқда ўсимликчилик нави ёки ҳайвон зотларига бўлган хукуқлар учун бухгалтерия ҳисобида қўшимча ишчи ҳисобвақлардан фойдаланишини назарда тутади. Яъни тўғридан-тўғри олинган ушбу соҳадаги патент ёки лицензия яна бир туркумланишини талаб этади (3-расм).

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, номоддий активлар халқаро стандартда оддий кўри-

нишга эга. Масалан, кинофильм ёки балиқ овига лицензия, биз учун дебиторлик ёки кредиторлик қарзлар сифатида балансда ифодаланадиган моддалар, халқарода харидорлар ва етказиб берувчилар билан муносабатлар сифатида ҳам хукукий ҳимояланган ҳолда номоддий актив сифатида тан олинади. Бир жиҳатга эътибор қаратиш лозимки, бу каби хукуқларнинг номоддий активлар сифатида тан олиниши тадбиркорлик субъектларининг активларини кўпайтириш имконини беради. Тўғри, бу каби активлар ликвид активлар сифатида тадбиркорлик субъектининг ликвидлигини таъминлаб бермаса-да, келгусида катта даромад келтирувчи активлар кўринишида муҳим роль ўйнайди.



3-расм. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида белгиланган номоддий активларнинг таркиби

Манба: муаллиф ишланмаси.

Демак, бизнинг фикримизча, тадбиркорлик субъекти томонидан номоддий активларни дастлабки тан олиш пайтидаги маълумотларга асосланган ҳолда, ташқи манбалардан олинган маълумотларга кўпроқ аҳамият бериш, шунингдек, номоддий активлардан фойдаланиш натижада олинадиган келгуси иқтисодий нафга нисбатан аниқлик даражасини баҳолаш керак бўлади. Республикаизда номоддий активларга бўлган ҳуқуқларни Фуқаролик кодексига мувофиқ қуидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ (2-жадвал).

2-жадвал

Номоддий активларнинг ҳуқуқий муҳофазаси

Номоддий активлар ҳуқуқини муҳофaza қилиш тартиби

Муаллифлик ҳуқуқи

Ижодий фаолият натижаси бўлган фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан татбиқ этилади ва уч унсурдан иборат муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисидан фойдаланади: *айлана ичига олинган лотинча «С» ҳарфи, алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми (номи), асар биринчи марта эълон қилинган йил.*

Турдош ҳуқуқлар

Ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув, эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ва эшиттиришлари киради ва ҳимоя белгиси уч унсурдан иборат бўлади: *айлана ичидаги лотинча «Р» ҳарфи, мутлақ турдош ҳуқуқлар эгасининг исми (номи), фонограмма биринчи марта чоп этилган йил.*

Саноат мулкига бўлган ҳуқуқ

Ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқ патент берилган тақдирдагина муҳофаза қилинади.

Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига бўлган ҳуқуқ

Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига (селекция ютуқларига) бўлган ҳуқуқлар патент берилган тақдирдагина муҳофаза қилинади.

Ошкор этилмаган ахборот

Учинчи шахсларга маълум бўлмаган техникавий, ташкилий ёки тижорат ахборотига, шу жумладан, ишлаб чиқариш сирларига (ноу-хау) қонунан эга бўлиб турган шахс уни (ощор этилмаган ахборотни) ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фуқаролик муомаласи қатнашчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш воситалари

Фирма номи таъсис ҳужжатларида кўрсатилади ва фирма номига бўлган ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан юзага келади.

Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) уни рўйхатдан ўтказиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади ва рўйхатга олинганилиги тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Манба: меъёрий ҳужжатлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу жадвалдан хulosса қилиш мумкинки, яратилаётган номоддий активларнинг ҳаммаси ҳам ўзининг қийматига (пул кўринишидаги баҳосига) эга бўлавермайди. Бу эса уларнинг бухгалтерия ҳисобининг янги объекти сифатида

тан олинишига тўсқинлик қилишига сабаб бўлмоқда. Демак, ақлий меҳнат маҳсули юзага чиқиб, у кимгадир ёки нимагадир фойдаси тегадиган бўлиб шаклланганда, у ўзида “объект” атамасини ҳам қамраб олади.

Тадқиқот обьекти бўлган “МЕҲНАТ АГРОФИРМАСИ” МЧЖнинг 2022 йил январь ҳолатига кўра, корхонанинг бухгалтерия балансида жами 176068 минг сўм бўлган номоддий активлар мавжуд бўлиб, улар, асосан, дастурий маҳсулот бўйича обьектдан иборат. Бу эса корхонанинг жами маблағларига нисбатан 0,17 фоиз ҳамда узоқ муддатли маблағларга нисбатан эса 0,29 фоизни ташкил этади. Маълумотлардан кўриниб турибдики, корхонадаги мавжуд номоддий активлар жами маблағларнинг бир фоизига хам етмайди.

Бизнинг фикримизча, номоддий активлар интеллектуал мулк обьектларига нисбатан кенгроқ доирага эга. Чунки номоддий активлар интеллектуал мулк обьектларидан ташқари унинг таркибига инсон ақлий қобилияти натижаларига боғлиқ бўлмаган, масалан, мулкдан фойдаланиш ҳукуқлари, гудвилл, франчайзларни олади. Номоддий активларнинг таркибий тузилиши, асосан, интеллектуал мулк обьектларидан иборат бўлиши кераклигини тақозо этади. Албатта, бу ерда сўз таркиб борасида юритилмоқда. Уларнинг баҳосига (баланс қиймати) келсақ, биргина мулкий ҳукуқларнинг ўзи сезиларли қийматни ташкил этади.

Бу борада иқтисодчи олим Н.Ризаевнинг фикрига кўра, ушбу кўрсаткич ривожланган давлатларнинг компанияларида (General Motors Co, Microsoft Corporation (АҚШ)да ўртacha 32 фоизни ташкил этади) юқори кўрсаткичга эга. Демак, мавжуд номоддий активлар таркибида баъзан интеллектуал мулк обьектлари улуши деярли кўзга ташланмайди. Тадқиқот обьектларида номоддий активларнинг жами активларига нисбатан ўртacha 1,14 фоизни ташкил этмоқда. Бундан шуни тасаввур қилиш қийин эмас, яъни интеллектуал мулк обьектлари ҳолати ва

унинг динамикасига баҳо бериб бўлмайди (умумий баҳо бериш учун маълумотлар етарли эмас) [21].

Биз агарар соҳада номоддий активларни интеллектуал мулк обьектлари сифатида ўрганган иқтисодчи олим И.Давлетовнинг ёндашуви ни қўллаб-қувватлаймиз[22]. Лекин ушбу тадқиқотчи “муаллифлик ҳукуқи обьектларига нисбатан муҳофаза ҳужжатлари мавжуд эмас” деб баҳолайди. Тадқиқотда интеллектуал мулк обьектлари(саноат мулки обьектлари)га оид меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларни тадқиқ этиш асосида ушбу обьектларга бериладиган муҳофаза ҳужжатлари ҳамда уларнинг амал қилиш муддатлари ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилиш натижасида хуносалар берилди [23].

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, агарар соҳада, хусусан, селекция ютуқлари бўйича номоддий активлар сифатида қараладиган ҳукуқларнинг амал қилиш муддати “Ўсимликларнинг янги навларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция”нинг 19-модда, 1-бандига мувофиқ 20 йилдан кам бўлмаслиги кўзда тутилган. Шунингдек, узумчилиқда 25 йил (19-модда, 2 банд) белгиланган[24].

Номоддий активларнинг хусусияти шундан иборатки, кўп ҳолларда бу каби активни тақомиллаштириш ёки уни қисман алмаштириш амалга оширилмайди. Яъни соддароқ қилиб таъкидлаганда, патент ўрнига айнан шу кўринишдаги ёки товар белгиси ўрнига шундай товар белгисини алмаштириш имконияти мавжуд эмас. Фақатгина бу тадбиркорлик субъектлари томонидан бошқа турдаги номоддий активларни яратиш ёки сотиб олиш ҳисобига бу активларнинг ҳажми ортишига олиб келади.

3-жадвал

Номоддий активларнинг таснифланишида халқаро ва миллий стандартларнинг ўзаро боғлиқлиги

Номоддий активлар (7-сонли БХМС)	Номоддий активлар (38-сонли БХХС)
Патент эгасининг ихтиро, саноат намуналари ва фойдали моделларга бўлган мутлақ ҳукуқи	Патентлар
ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига бўлган мутлақ ҳукуқ	Компьютер дастурлари
Интеграл микросхемаларнинг топологияларига бўлган мутлақ ҳукуқ	
Товар белгиси ва хизмат қўрсатиш белгисига бўлган мутлақ ҳукуқи, шунингдек, товар ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳукуқи	Савдо маркалари, маркетинг ҳукуқлари, импорт квоталари
Селекция ютуқларига бўлган мутлақ ҳукуқ	Муаллифлик ҳукуқлари
Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳукуқи	
Мол-мулқдан фойдаланиш ҳукуқи	
Бошқа номоддий активлар (маҳсулот, ишлар, хизматлар, бошқа ҳукуқлар)	Лицензиялар ва франшизалар

Манба: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ муаллиф ишланмаси.

Халқаро амалиётда эса 38-сонли “Номоддий активлар” номли стандарт (БХХС)га мувофиқ амалга оширилади [25]. Номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш ва уни юритишига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар таркибини хорижий давлатлар миқёсида таҳлил қиласиган бўлсак, ушбу давлатлarda бир нечта меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинишини кўришимиз мумкин, жумладан: АҚШ бухгалтерия ҳисоби тизимида номоддий активлар УСГААП талабларига мувофиқ ФАС 142-3 “Номоддий активларнинг фойдали ҳизмат муддатини аниқлаш”, ЕИТФ 08-7 «Ҳимояланувчи номоддий активлар», 141Р-сонли “Бизнесни бирлаштириш” каби қоидалар ҳисоб стандартларини ишлаб чиқиш Бюроси томони(ФАСБ)дан ишлаб чиқлади [26].

Россия Федерациясида номоддий активлар ҳисобини ташкил этишда алоҳида қоидалар мажмуаси ишлаб чиқилган, жумладан: “Номоддий активлар” (ПБУ 14/2007) номли низом талаблари билан тартибга солинади [27]. Ушбу низомга асосан номоддий активларнинг қиймати ҳақиқий харажатлардан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Номоддий активларни тан олиш нуқтai назаридан уларни идентификациялаш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Яъни ушбу жараён ҳал этилиши қийин кечадиган жараёндир. Номоддий активлар ҳамма вақт ҳам “кўринмас актив” тушунчасига эга бўлавермайди, айrim ҳолатларда у ашёвий кўринишига эга бўлиши мумкин, масалан, муаллиф ўзи яратган ЭҲМ учун дастурига гувоҳнома олиш учун тақдим этиладиган маълумотлар, яъни дастурний маҳсулотлар дискет ёки флешкага ёзилади.

Хуласа ва таклифлар. Тадқиқотлар натижасида халқаро стандартларда номоддий активларни фақат қуйидаги ҳолатларда, яъни тадбиркорлик субъекти ушбу актив билан боғлиқ кутилаётган келгуси иқтисодий нафни олиш эҳтимоли мавжудлиги ҳамда ушбу активнинг бошланғич қиймати ишончли баҳоланиши мумкинлиги кўрсатиб берилган. Бизнинг фикримизча, ушбу тан олиш тартибига қуйидагиларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Биринчидан, тадбиркорлик субъекти ушбу активни кейинчалик қайта сотишни мўлжалламаслиги;

иккинчидан, тадбиркорлик субъекти раҳбари бундай активлар таркибида ҳисобга олиш мақсадида ҳисбот даври учун активлар қиймати камроқ чегарасини белгилаш мумкинлиги.

Албатта, бу таклиф айнан 38-сонли БХХС “Номоддий активлар” номли халқаро стандартда акс эттирилиши қийин масала, лекин ўрта ва кичик бизнес учун мўлжалланган халқаро стан-

дартларда ёки республикамиз учун лойиҳа сифатида ишлаб чиқилган Молиявий ҳисботнинг миллий стандартлари(МҲМС)да қўллаш мақсадга мувофиқ.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг ҳусусиятларидан келиб чиқиб, бухгалтерия балансига кирим қилинаётган номоддий активларни тан олиш, уларни баҳолаш услубиёти ҳамда номоддий активларни гуруҳлаш тартиби бўйича қуидаги фикрлар билдириб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли қарорининг 1-бандига асосан акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида 2021 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисобини юритиш ва 2021 йил якуни бўйича молиявий ҳисбот тайёрлаш талаб этилмоқда. Миллий стандарт қоидаларидан фарқли равишда Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартти талабларида ҳўжалик субъектлари, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида номоддий активларни тан олиш ва уларнинг таркиби аниқ белгиланмаган. “Номоддий активлар” (БХХС, 7) ҳамда “Қишлоқ ҳўжалиги” (БХХС, 41) номли стандарт қоидаларида айнан қишлоқ ҳўжалиги ҳусусиятлари инобатга олинмаган.

Қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, жумладан, инновацион кластерларда номоддий активларнинг тан олиниши ва баҳоланиши ҳамда уларнинг таркиби тўғри шакллантирилиши (гуруҳлаштириши) соҳада инновацион ишланмаларнинг негизи бўлган номоддий активлар ҳажми ни ошириш имконини яратди. Бундан ташқари номоддий активларни баҳолаш асосида уларнинг жами маблағлар(активлар)даги улушкини кўпайтириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида даромадларни ошириш, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби юритилишининг соддаллашувига олиб келади.

Таклиф қилинаётган номоддий активларни тан олиш мезони қуйидагиларга жавоб бериши асосланилди:

индентификацияланиши;
назорат қилиниши;
келгусида иқтисодий наф олиб келтириши;
қийматини ишончли баҳолаш мумкинлиги.

Қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ҳисоб сиёсатига мувофиқ фойдаланишда бўлган номоддий активларнинг туркумланиши таклиф этилди. Мазкур гуруҳланиш асосида корхоналарнинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ тегишли ишчи счётлардан фойдаланиш ҳамда номоддий активлар ҳақидаги маълумотларни молиявий ҳисботларда кенг ва аниқ ёритиб бериш имкониятини беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Brand Finance Nation Brands. 2022. <http://brandfinance.com/who-we-are/our-story/>.
2. Brand Finance. GIFT 2016 with CIMA and IPA 2016. 10 P. enquiries@brandfinance.com.
3. "Номоддий активлар" – 38-сонли МХХС. Мазкур стандартдаги актив таърифи 2018 йилда эълон қилинган "Молиявий ҳисоботларни тақдим этишининг концептуал асоси"да қайта кўриб чиқилган актив таърифи асосида қайта кўриб чиқилмаган.
4. Номоддий активлар. 7-сонли БХМС [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами: 1485]. <https://lex.uz/acts/627308>.
5. <https://buhplatforma.com.ua/article/ru/7367-uchet-nematerialnyh-aktivov>.
6. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Т.: ЎМЭ, 2003. – 612 б.
7. Очилов И. Қурбонбоев Ж. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. 265-б.
8. Сотиволдиев А.С. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: БАМА-2007. 2-том.
9. Рахимбекова Р.М. Финансовый учет на предприятиях. – Алматы: Экономика. 2003. – 94 с.
10. Исроллов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммо ва уларнинг ечимлари. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 92 б.
11. Илхамов Ш.И. Инвестиция фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва аудит, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати, 2005 й. 24-б.
12. Гуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисоби бўйича мустақил ўрганиш учун қўлланма. – Т.: "Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси" нашриёт уйи, 2000. – 229 б.
13. Исманов И.И. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини тақомиллаштириш, и.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати, 2009. – 37 б.
14. Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини тақомиллаштириш, 08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит», и.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун дисс. 2017 й.
15. Давлетов И.Р. Агар соҳада интеллектуал мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини тақомиллаштириш, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун дисс. авт., 2018. – 48 б.
16. Пардаев М.Қ., Исроллов Б.И. Молиявий таҳлил. – Т.: Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси, 1999. – 368 б.
17. Ризаев Н.К. Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлилини тақомиллаштириш, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2004 йил;
18. Ризаев Н.К. Интеллектуал мулк объектлари ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиши методологияси, и.ф.д. (DSc) даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2019 й.
19. Худойкулов А. Номоддий активлар ҳисоби ва аудитини тақомиллаштириш. Иқт. фан бўйича фалсафа (PhD) дисс. авторерати, 2023. – 35 б.
20. Ўзбекистон Республикаси ийллик статистик тўплами, 2022. Ўзбекистон молияси. – Т.: Ўзбекистон, 2022. <https://stat.uz/>
21. Акциядорлик корхоналари маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси. 2023 йил.
22. Ризаев Н. Интеллектуал мулк объектлари ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиши методологияси. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2019 й.
23. Давлетов И.Р. Агар соҳада интеллектуал мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини тақомиллаштириш, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати, 2018 й.
24. Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиоролар, фойдалари модельлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонуни. (ЎРҚ, 2002 йил 29 август, 397-II-сон). <http://lex.uz/pages/SearchResult.aspx?f=1&sid=-981339780&a1=1&a2=1&a3=1&a4>.
25. Международная конвенция по охране новых сортов растений (УПОВ) <http://www.wipo.int/wipolex/ru/other>
26. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти. "Номоддий активлар" (38-сонли БХХС, IAS). <https://www.iasplus.com/en/standards/ias/ias38>
27. FSP FAS 142-3 (IAS ISSUED) / https://www.fasb.org/pdf/fsp_fas142-3.pdf/
28. Положение по бухгалтерскому учету "Учет нематериальных активов" ПБУ 14/2007. Утверждено Приказом Минфин РФ от 27.12.2007 № 153н. (в ред. Приказов Минфина РФ от 25.10.2010 № 132н, от 24.12.2010 № 186н). http://sprbih.systecs.ru/uchet/pbu/pbu_14.html.
29. Isaev F. Мол-мулкни солиқка тортини тақомиллаштириш. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, 2021, (6), 326–333. Retrieved from: https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
30. Исаев Ф. Ресурс солиқлари таҳлилини ташкил этиши методикаси. // Iqtisodiyot va ta'lim, 2022, 23 (5), 171-176. Retrieved from: <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
31. Isaev F.I. Tax Accounting: Theory and Practice. // International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. 2022. T. 9. №. 12. C. 30-38.
32. Isayev F.I. Concept of economic analisys and its structural components. // International Journal of Marketing and Technology. 7.12 (2017): 1-13.
33. Isayev F.I. Analysis of the profit tax and its improvement. // International Journal of Research in Social Sciences 7.12 (2017): 74-85.